26. Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларининг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул таркибий бўлинма томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратида ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

27. Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

хар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида (биринчи ўринбосар штати мавжуд бўлмаган ёки вакант ҳолларда — ўринбосар);

хар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида муҳокама қилинади.

Бунда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

3-§. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш

*а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан қонунчилик
ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш*

28. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари (кейинги ўринларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар) масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

30. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул таркибий бўлинма, заруратга кўра, раҳбариятга ахборот берган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимликларига амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгилаб, топшириқни юборади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг масъул таркибий бўлинмаси туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан топшириқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва ижросини таъминлашда кўмаклашиши зарур.

31. Масъул таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ёки Ҳисоб палатаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма бу ҳақда раҳбариятга

ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijro.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

32. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул таркибий бўлинма томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар «Ijro.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқ ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ёки Ҳисоб палатаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилган бўлса, масъул таркибий бўлинма томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар «Ijro.gov.uz» тизимига қайтадан киритилишини назоратга олади.

33. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳузурида;

ҳар чоракда — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари йиғилишида муҳокама қилинади.

Бунда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

б) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиши

34. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлардан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида туман (шаҳар) ҳокимлиги масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ва раҳбариятга ахборот берилади.

35. Туман (шаҳар) ҳокимлиги раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

36. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

37. Масъул таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан

имзоланган маълумотни зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки ҳокимликка юборади.

38. Туман (шаҳар) ҳокимлигининг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки ҳокимликка ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

39. Туман (шаҳар) ҳокимликларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — ҳокимнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — ҳоким ҳузурида;

ҳар чоракда — халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари йиғилишида муҳокама қилинади.

Бунда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

4-§. Хўжалик бирлашмалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш

а) Хўжалик бирлашмалари марказий аппарати томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш

40. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида хўжалик бирлашмаси марказий аппарати масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

41. Хўжалик бирлашмалари раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

42. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул таркибий бўлинма, заруратга кўра, раҳбариятга ахборот берган ҳолда ҳудудий бўлинмаларга амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгилаб, топшириқни юборади. Бунда масъул таркибий бўлинма ҳудудий бўлинмалар томонидан топшириқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва ижросини таъминлашда қўмаклашиши зарур.

43. Масъул таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг

ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijgo.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ёки Ҳисоб палатаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма бу ҳақда раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

44. Хўжалик бирлашмасининг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул таркибий бўлинма томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқ ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ёки Ҳисоб палатаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритилишини назоратга олади.

45. Хўжалик бирлашмаларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида;

ҳар чоракда — хўжалик бирлашмалари бошқарув органи мажлисларида муҳокама қилинади.

Бунда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

б) Хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш этиши

46. Хўжалик бирлашмалари марказий аппаратидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида хўжалик бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаси масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ва раҳбариятга ахборот берилади.

47. Ҳудудий бўлинмалар раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

48. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

49. Масъул таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топши-

риқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга хўжалик бирлашмасининг марказий аппаратида киритади.

50. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга хўжалик бирлашмасининг марказий аппаратида ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

51. Хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмаларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати:

хар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

хар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида муҳокама қилинади.

Бунда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

5-§. Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш тартиби

52. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир котибияти (кейинги ўринларда — Бош вазир котибияти) Ҳукумат бевосита масъул этиб белгиланган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушгандан бошлаб бир кун давомида Бош вазир ёки унинг ўринбосари топшириғини (зарурат бўлганда назорат режасини) тайёрлайди, белгиланган тартибда имзолаш (тасдиқлаш) учун Бош вазир ёки унинг ўринбосарига киритади.

53. Ҳукумат бевосита масъул этиб белгиланган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш бўйича белгиланган тартибда имзоланган (тасдиқланган) Бош вазир топшириғи (назорат режалари) ижросини таъминлаш учун — масъул ижрочиларга ҳамда «Ijro.gov.uz» тизимида киритиш учун Адлия вазирлигига юборилади.

Бунда Адлия вазирлиги Ҳукумат бевосита масъул этиб белгиланган топшириқлар бўйича Бош вазир топшириғи (назорат режаси)да масъул этиб белгиланган республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларини ҳам «Ijro.gov.uz» тизимида ижрочи этиб белгилайди ва уларнинг ижроси назоратини умумий тартибда амалга оширади.

54. Бош вазир котибияти таркибий бўлинмаси, Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ҳамда Назорат ва ижро интизоми бўлими тасдиқланган Бош вазир топшириғи (назорат режалари) асосида масъул ижрочиларга юборилган топшириқлар ижросини назорат қилади.

3-боб. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини назорат қилиш тартиби

1-§. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини назорат қилиш тартиби

*а) Адлия вазирлиги марказий аппарати томонидан
қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини
назорат қилиш тартиби*

55. Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини доимий таҳлил қилиб боради ва назорат қилади.

56. Адлия вазирлиги тасдиқланган график асосида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан соҳалар ва тармоқлар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни олиб боради.

57. Ижро назорати бошқармаси қўйидаги ҳолларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни назоратга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари)га «Ijro.gov.uz» тизими орқали юборади:

а) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда тўғридан-тўғри масъул ижрочи этиб белгиланганда;

б) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликларига, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмаларига ижро учун юборилганда ёки уларнинг ижроси бевосита тегишли ҳудуднинг ўзида амалга оширилиши назарда тутилганда.

58. Масъул ижрочилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимга киритиладиган ижро натижалари қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича киритиладиган расмий маълумот биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган бўлиши;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар «PDF» форматида, амалий натижаларни акс эттириш имконияти мавжуд бўлган ҳолларда — уларни ифода этувчи бошқа форматлардаги маълумотлар илова қилинган бўлиши.

59. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимга киритилган маълумотлар Ижро назорати бошқармаси томонидан бир иш кунидан кечиктирмай (қўшимча ўрганиш талаб этилганда — беш иш кунидан) таҳлил қилинади.

60. Таҳлил қилиш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

маълумотлар ва илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқлигини ўрганиш;

маълумотлар ҳаққонийлигини, заруратга кўра, жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

тор ихтисосликлар бўйича киритилган маълумотларни (бажарилган ишларни) соҳага оид ташкилотларга сўровлар юбориш ёки мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганиш;

маълумотларда ноаниқликлар мавжуд бўлган тақдирда масъул ижрочидан ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олиш.

61. Таҳлил жараёнида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимига киритиладиган маълумотларга қуйидаги мезонлар асосида баҳо берилади:

қонунийлик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда назарда тутилган маъмурий тартиб-таомиллар ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилганлиги;

долзарблик — олиб борилаётган давлат сиёсати, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига мослиги;

тўлиқлик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқда кўзланган мақсадга (кўрсаткичга) эришганлиги (сони, миқдори, ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар);

ҳаққонийлик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларнинг амалда қилинган ишлар билан ўзаро мувофиқлиги;

масъулиятлилик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш борасида масъул ижрочилар томонидан ўз ваколати доирасида барча зарурий чоралар кўрилганлиги.

62. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича киритилган маълумотлар таҳлили натижасига кўра Ижро назорати бошқармаси:

топшириқ бажарилган бўлса — масъул ижрочи томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни келишади;

топшириқ бажарилмаган ёки зарур тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — уларни қайта ишлашга масъул ижрочига юборади.

Рақамлаштиришга оид топшириқлар қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

топшириқларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текшириш учун Рақамли технологиялар вазирлигига «Ijro.gov.uz» тизими орқали юборади;

Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотларни тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги юзасидан тегишли хулосани бир кун муддатда «Ijro.gov.uz» тизимига киритади;

Рақамли технологиялар вазирлигининг хулосаси ижобий бўлса, масъул ижрочи томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни келишади, аксинча бўлса, уларни қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборади.

Масъул ижрочи томонидан камчиликлар бартараф қилиниб, «Ijro.gov.uz» тизимига маълумотлар қайта киритилганда юқоридаги жараён такрорланади.

63. «Ijgo.gov.uz» тизимига зарур маълумотларни ўз вақтида киритмаган ёки нотўғри маълумотларни киритган масъул ижрочиларга Адлия вазирлиги томонидан мазкур камчиликларни зудлик билан бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар юборилади.

Адлия вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаган масъул ижрочиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланади.

*б) Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари
томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар
бажарилишини назорат қилиш тартиби*

64. Ушбу Низомнинг 57-бандида белгиланган ҳолларда Ижро назорати бошқармаси томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган назорат топшириқлари бир вақтнинг ўзида «Ijgo.gov.uz» тизими орқали автоматик тарзда Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимларига назорат учун юборилади.

65. Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари ўз ҳудудларига доир қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини доимий равишда мониторинг ва таҳлил қилиб боради.

66. Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда ҳокимликларга ва ҳудудий масъул ижрочиларга ҳуқуқий-услугий жиҳатдан кўмаклашади.

67. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини қўшимча ўрганиш талаб қилинганда, Ижро назорати бошқармаси кўрсатмасига мувофиқ бир иш кунида (қўшимча ўрганиш талаб қилинганда — уч иш кунида) Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда бажарилганлиги ва унда кўзланган мақсадга эришилганлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Бунда ўрганиш якунлари бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, имзоланган ҳолда «Ijgo.gov.uz» тизими орқали Ижро назорати бошқармасига тақдим қилинади.

68. Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқлари ижросини доимий равишда таҳлил қилиб боради.

Ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташриф баёнларида берилган топшириқлар ижроси бўйича тасдиқланган шаклдаги таҳлилий ҳужжатлар тўпламини Ижро назорати бошқармасига тақдим қилиб боради.

69. Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари тегишли ҳудуд бўйича бажарилмаган ва муддати кечиктириб бажарилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар таҳлили ва ҳисобини юритади ҳамда натижаси бўйича умумлаштирилган ахборотни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Ижро назорати бошқармасига тақдим қилиб боради.

**2-§. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик
ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини назорат
қилиш тартиби**

70. Бош вазир котибияти таркибий бўлинмалари, Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва Ҳукумат тизимидаги бошқа ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мунтазам таҳлил қилиб, назоратини амалга оширади.

71. Ижро интизомини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар ва муддати ўтган топшириқлар бўйича ҳар ҳафта республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва Ҳукумат тизимидаги бошқа ташкилотлар раҳбар ўринбосарлари, масъул департамент, бошқарма, бўлим раҳбарлари ҳамда ижро интизомига масъул таркибий бўлинма раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

72. Бош вазир котибиятининг Назорат ва ижро интизоми бўлими иш режага мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг жойлардаги амалий натижаси, ижро интизоми ҳолати, раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги масаласини жойларга чиққан ҳолда комплекс ўрганади.

Комплекс ўрганишлар натижалари бўйича тайёрланган материаллар тўғрисида белгиланган тартибда ахборот берилади, заруратга кўра, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилинади.

73. Бош вазир котибияти таркибий бўлинмалари, Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари бир кун муддатда (қўшимча ўрганиш талаб этилганда уч кун муддатда) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва Ҳукумат тизимидаги бошқа ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимида киритилган ва Адлия вазирлиги томонидан келишилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини ўрганиб чиқади:

топшириқ бажарилган бўлса — «Ijro.gov.uz» тизимида киритилган маълумотларни тасдиқлайди;

топшириқ бажарилмаган бўлса ёки зарур тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — уларни қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборади.

74. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича Адлия вазирлиги томонидан ҳар ой якуни бўйича тайёрланиб, белгиланган тартибда киритилган таҳлилий ҳужжатлар асосида ижро интизоми ҳолати Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва Ҳукумат тизимидаги бошқа ташкилотлар иштирокида танқидий кўриб чиқилади.

75. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ижро интизоми масалаларини кўриб чиқиш тартиби ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-§. Ҳисоб палатаси томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини назорат қилиш тартиби

76. Ҳисоб палатаси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиб боради;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари мансабдор шахслар томонидан ижро этилишини баҳолайди;

ижро интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг шахсий масъулиятини, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган ислохотлар бўйича кутилаётган натижаларга эришишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг самарали ижро этилишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммо ва камчиликларни аниқлаб, бартараф этишга, шунингдек, давлат органлари ҳамда ташкилотларида ижро интизоми бузилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўради;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар доирасида ажратилган маблағлар мақсадли сарфланиши ва самарадорлигини ўрганиш билан бирга уларнинг аҳоли учун ижобий натижасини таҳлил қилади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси натижадорлигини таҳлил қилиб, ижроси таъминланмаган масалалар ва улар бўйича масъулларга тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади;

ташаббускорларга қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан таклифлар киритиб боради;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро этилиши юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

77. Ҳисоб палатаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган, Адлия вазирлиги билан келишилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини бир иш кунида (қўшимча ўрганиш талаб этилганда — уч иш кунида) ўрганади.

Ўрганиш натижаларига кўра:

топшириқ бажарилган бўлса — топшириқни назоратдан ечади;

топшириқ бажарилмаган бўлса ёки зарур тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — масъул ижрочиларга қайта ишлашга юборади.

78. Ҳисоб палатаси график асосида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан соҳалар ва тармоқлар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни олиб боришда иштирок этади.

79. Ҳисоб палатаси ҳар чорак якунлари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради.

**4-§. Худудларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар
ижро ҳолатини доимий ўрганиб бориш бўйича ишчи гуруҳлар
томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар
бажарилишини назорат қилиш тартиби**

80. Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар вакилларида иборат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида худудларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолатини доимий ўрганиб бориш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) фаолият кўрсатади.

81. Ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этишда тегишли давлат органлари ва ташкилотларига амалий кўмаклашиш, шунингдек, уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда юзага келган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ҳар чорак якуни бўйича ўрганишлар натижасида ижрода аниқланган камчиликлар бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

82. Ишчи гуруҳ томонидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача худудлардаги ижро интизоми ҳолати ва камчиликларни бартараф этиш, масъулларга чоралар кўриш бўйича таклифлар Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борилади.

83. Адлия вазирлиги ишчи гуруҳларнинг ишчи органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси ишчи гуруҳлар фаолиятига худудларда ижро интизоми ташкил этишда яқиндан кўмаклашиб боради.

**4-боб. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси
бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш, киритиш ва
Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш тартиби**

**1-§. Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро
этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари
томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг
ижро ҳолати бўйича маълумотни Адлия вазирлигига
киритиш тартиби**

84. Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда таъминлайди ҳамда ижро натижалари бўйича «Ijro.gov.uz» тизимига маълумотларни уларнинг ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга киритади.

85. Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи санасига қадар «Ijro.gov.uz» тизимидаги ўзлари масъул бўлган ва бажарилмаган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни таҳлил қилади ва уларнинг ижро ҳолати бўйича биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни Адлия вазирлигига тақдим этади.

**2-§. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик
ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича таҳлилий
ҳужжатларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига
киритиш тартиби**

86. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш, киритиш ва Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

87. Адлия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар муддати келган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари томонидан бажарилмаган топшириқлар бўйича тақдим этилган маълумотларни танқидий таҳлил қилади, шунингдек, ушбу Низомга 2-иловадаги* намунавий шаклга мувофиқ умумлаштирилган маълумотномани таҳлилий материаллар билан биргаликда тайёрлайди.

88. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари ва Ҳукумат тизимидаги бошқа ташкилотлар бўйича тайёрланган ҳужжатлар тўплами адлия вазири (истисно ҳолларда тегишли вазир ўринбосари) томонидан имзоланган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

**3-§. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси
бўйича киритилган таҳлилий материалларни Вазирлар
Маҳкамасида кўриб чиқиш тартиби**

89. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича киритилган таҳлилий материаллар асосида Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаменти ҳамда Назорат ва ижро интизоми бўлими томонидан ҳар ойнинг ўн иккинчи санасига қадар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси ҳужжатлари тўплами тайёрланади ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича ҳисобот ташкил этилади.

90. Ижро интизомини таъминлаш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таҳлил қилиш масалалари белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси кун тартибига киритилади.

91. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида:

* Приложения №№ 1-2 опубликованы в «Национальной базе данных законодательства».

ҳисобот даврида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати бўйича адлия вазирининг ҳамда ижро интизомини таъминлашда камчиликларга йўл қўйган республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва Ҳукумат тизимидаги бошқа ташкилотлар раҳбарларининг (уларнинг ўринбосарлари) ҳисоботи эшитилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини бажаришда жиддий камчиликларга йўл қўйган, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини тўғри ва ўз вақтида ташкил этишда зарур чоралар кўрмаган раҳбар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро муддатларини узайтириш бўйича таклифлар асослилиги муҳокама қилинади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш масалалари кўриб чиқилади.

92. Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазирга ахборот берилиб, имзоланган Раёсати мажлиси баёни ва таҳлилий ҳужжатлар тўплами белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ҳисоб палатасига юборилади.

93. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Вазирлар Маҳкамаси Регламентида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш тартиби

94. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатини узайтириш (асос мавжуд бўлганда) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси асосий ижрочи бўлганда — Президент Администрацияси масъул таркибий бўлинмаси томонидан;

Ҳукумат асосий ижрочи бўлганда — Ҳисоб палатаси томонидан;

қолган барча ҳолатларда — бевосита Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

95. «Ijro.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ушбу Низомга 3-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

96. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда масъул ижрочилар томонидан уларнинг ижро муддатини узайтириш бўйича таклифлар қуйидаги намунавий шакллардаги ҳужжатлар илова қилган ҳолда Адлия вазирлигига киритилади:

расмий алоқа хати (4-илова*);

* Приложения №№ 3-4 опубликованы в «Национальной базе данных законодательства».

асослантирувчи жадвал (4а-илова*);

тармоқ жадвали (4б-илова*);

раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан им-
золанган тушунтириш хати.

97. Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро
муддатларини узайтириш бўйича таклифларни таҳлил қилади ҳамда натижа-
си бўйича хулоса тайёрлайди.

Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар-
нинг ижро муддатларини узайтириш бўйича таклифлар юзасидан тайёрлан-
ган хулосалар ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар
кўриб чиқиш учун:

Вазирлар Маҳкамасига (давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий
ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари таклифлари бў-
йича);

Ҳисоб палатасига (Президент ҳузуридаги ташкилотлар, суд органлари,
Бош прокуратура ва Ҳукумат тизимига кирмайдиган бошқа марказий идора-
лар бўйича) кiritилади.

98. Вазирлар Маҳкамасида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар-
нинг ижро муддатларини узайтириш бўйича Адлия вазирлиги томонидан
кўриб чиқилиб хулоса берилган таклифлар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати
мажлисида ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилади
ва Ҳисоб палатасига таклифлар кiritилади.

99. Ҳисоб палатаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро
муддатларини узайтириш бўйича Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси
томонидан маъқулланган таклифларни таҳлил қилади ҳамда асос мавжуд
бўлган тақдирда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ад-
министрациясига хулоса кiritилади.

100. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг
масъул таркибий бўлинмаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг
ижро муддатини узайтириш бўйича таклифларни ва Ҳисоб палатасининг ху-
лосасини таҳлил қилади ҳамда асосли деб топган тақдирда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига таклиф кiritилади.

101. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари
«Ijro.gov.uz» тизимидаги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро
муддатини узайтириш ҳақидаги таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси
Президентига ахборот бериб, тегишли чораларни белгилайди.

**6-боб. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси
бўйича соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва
тематик таҳлилий ўрганишлар олиб бориш**

102. Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси қонунчилик ҳужжатлари ва
топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъ-
минлаш юзасидан соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва те-

* Приложения №№ 4а-4б опубликованы в «Национальной базе данных законодательства».

матик тахлилий ўрганишларни (кейинги ўринларда — манзилли ва тематик ўрганишлар) олиб боради ҳамда уларнинг жойлардаги ижро ҳолати мониторингини амалга оширади.

103. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича йиллик манзилли ва тематик ўрганишлар дастури Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили январь ойида Ҳисоб палатаси ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таклифлари асосида ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан тасдиқланади.

104. Тасдиқланган манзилли ва тематик ўрганишлар дастуридаги режа-графикка мувофиқ Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида ўрганишлар ўтказди.

Манзилли ва тематик ўрганишда бошқа манфаатдор ташкилотлар жалб қилиниши, масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

105. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати юзасидан ўтказилган манзилли ва тематик ўрганишлар натижаси бўйича тайёрланган тахлилий маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилади.

106. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул таркибий бўлинмаси манзилли ва тематик ўрганишлар натижаси бўйича киритилган маълумотларни ўрганиб чиқиб, камчиликларга йўл қўйган раҳбарлар юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритади.

**7-боб. «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишни техник
жиҳатдан ташкил қилиш ва фойдаланувчилар тўғрисидаги
маълумотларни бошқариш тартиби**

107. «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил қилишда Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда оператор томонидан маълумотларни бошқаришни ташкил этиш тартиби ушбу низомга 5-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

108. «Ijro.gov.uz» тизими орқали назорат ва ҳисобдорликни ташкил этишда Рақамли технологиялар вазирлиги:

«Ijro.gov.uz» тизимининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди ва доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларни кўради;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларига ушбу тизимдан фойдаланиш жараёнида техник ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

«Ijro.gov.uz» тизимининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари томонидан «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдала-

* Приложение № 5 опубликовано в «Национальной базе данных законодательства».

ниш жараёнида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг таклифларига асосан тизимни такомиллаштиради ва модернизация қилади.

109. «Ijro.gov.uz» тизимининг ишлашини техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида оператор қуйидагиларни амалга оширади:

«Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш, улаш, электрон рақамли имзо калитлари билан таъминлаш ва ўқитиш;

Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг таклифларига асосан «Ijro.gov.uz» тизимини модернизациялаш ва «Ijro.gov.uz» тизимининг янги версияларини ишга тушириш;

«Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиларига «Call-марказ» орқали «Ijro.gov.uz» тизимини эксплуатация қилиш бўйича, шу жумладан, «Ijro.gov.uz» тизимида фойдаланувчилар хато ёки нотўғри ишлашининг олдини олиш бўйича маслаҳатлар бериш;

«Ijro.gov.uz» тизимининг функционал ва фойдаланиш характеристикаларини яхшилаш мақсадида тизимнинг ишлашини таҳлил қилиш.

110. «Ijro.gov.uz» тизимига янги фойдаланувчиларни улаш учун операторнинг почта манзилига белгиланган шаклдаги тўлдирилган аризалар юборилади. Аризанинг намунавий шакли «Ijro.gov.uz» тизимига бириктирилади.

111. Оператор аризани олган кундан бошлаб уч иш куни ичида «Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси билан шартнома тузади.

112. «Ijro.gov.uz» тизимига уланиш тўғрисидаги шартнома тузилгандан ва операторнинг банкдаги ҳисобварағига тўлов келиб тушгандан сўнг оператор уч иш куни давомида:

ҳимояланган аппарат қурилмаларида уланаётган фойдаланувчининг электрон рақамли имзосининг ёпиқ калитини ва очиқ калити сертификатини генерациялашни;

«Ijro.gov.uz» тизимининг янги фойдаланувчисига ёки унинг ишончли вакилига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ва очиқ калити сертификати бўлган ҳимояланган аппарат қурилмаси берилишини таъминлаши шарт.

113. «Ijro.gov.uz» тизимининг иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларни бошқариш оператор томонидан таъминланади.

114. «Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотларни бошқариш (маълумотларни киритиш, ўзгартириш, янгилаш, ўчириш) масъул ижрочи кадрлар бўлинмаси томонидан ушбу ташкилотнинг ижро интизоми учун масъул бўлган таркибий тузилмасини хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

115. «Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси тўғрисида маълумотлар киритилгандан кейин унга электрон рақамли имзонинг ёзилган ёпиқ калити ва очиқ калитининг сертификатига эга ҳимояланган аппарат қурилмаси берилади.

116. «Ijro.gov.uz» тизимига кириш учун тизим фойдаланувчиси томонидан ҳимояланган аппарат қурилмасидан фойдаланилади.

117. Ходим («Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси) билан меҳнат

шартномаси бекор қилинганда ҳимояланган аппарат қурилмаси кадрлар бўлинмасига топширилиши керак.

118. Операторнинг «Ijgo.gov.uz» тизимининг ахборот хавфсизлигини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш билан боғлиқ фаолияти Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

119. Масъул ижрочиларнинг раҳбарлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда юзага келган муаммоларни ҳал қилишга, шунингдек, олдиндан қўйилган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлашга қаратилган вазифаларни бажариш натижалари ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

120. «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчилари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тақдим этилиши, шунингдек, «Ijgo.gov.uz» тизимида ишлаганда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланадилар.

121. Оператор «Ijgo.gov.uz» тизимининг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

122. Ушбу низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.».

16. В абзаце четвертом пункта 11 постановления Президента Республики Узбекистан от 22 августа 2022 года № ПП–357 «О мерах по поднятию на новый уровень сферы информационно-коммуникационных технологий в 2022-2023 годах» после слова «организациями» дополнить словами «(за исключением информационных систем Счетной палаты Республики Узбекистан)».

СВЕДЕНИЯ
Министерства юстиции Республики Узбекистан
о состоянии государственной регистрации нормативно-
правовых актов министерств, государственных
комитетов и ведомств

1. Зарегистрированы:

1. Постановление правления Центрального банка Республики Узбекистан от 13 июня 2025 года № 12/4 «О внесении изменений в Положение о требованиях к адекватности капитала коммерческих банков».

Зарегистрировано от 21 июля 2025 г., регистрационный № 2693-14.

2. Постановление правления Центрального банка Республики Узбекистан от 13 июня 2025 года № 12/5 «О внесении изменений в Положение о рамочных условиях предоставления ипотечных кредитов населению».

Зарегистрировано от 21 июля 2025 г., регистрационный № 3269-1.

3. Постановление правления Центрального банка Республики Узбекистан от 16 июня 2025 года № 12/10 «О внесении изменений и дополнений в План счетов бухгалтерского учета в коммерческих банках».

Зарегистрировано от 21 июля 2025 г., регистрационный № 3336-3.

4. Приказ директора Инспекции по контролю за использованием электрической энергии, нефтепродуктов и газа при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 15 июля 2025 года № 9 «О внесении изменений в приказ «Об утверждении Правил пользования и учета твёрдого топлива».

Зарегистрирован от 23 июля 2025 г., регистрационный № 2096-3.

5. Постановление правления Центрального банка Республики Узбекистан от 13 июня 2025 года № 12/16 «О признании утратившими силу постановления «Об утверждении Правил ведения кассовых операций микрокредитными организациями и ломбардами», а также изменений и дополнений к нему».

Зарегистрировано от 23 июля 2025 г., регистрационный № 1719-4.

6. Приказ министра внутренних дел Республики Узбекистан от 7 июля 2025 года № 140 «Об утверждении Положения о порядке привлечения на договорной основе пенсионеров органов внутренних дел, имеющих многолетний практический опыт и эффективные результаты в сфере профилак-

ки, к деятельности по профилактике правонарушений в махаллях с тяжелой криминогенной обстановкой в Ташкентской и Ферганской областях».

Зарегистрирован от 23 июля 2025 г., регистрационный № 3651.

7. Приказ министра экономики и финансов Республики Узбекистан от 23 июня 2025 года № 267 «О внесении изменений и дополнений в форму и правила заполнения приходного таможенного ордера».

Зарегистрирован от 25 июля 2025 г., регистрационный № 3525-1

8. Приказ министра экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан от 24 июня 2025 года № 20-мх «Об утверждении Положения о порядке единой добровольной экологической маркировки продукции и услуг «Yashil belgi».

Зарегистрирован от 25 июля 2025 г., регистрационный № 3652.

9. Приказ министра занятости и сокращения бедности Республики Узбекистан от 20 июня 2025 года № 12-2025/Б «О внесении изменений в некоторые ведомственные нормативно-правовые акты, принятые Министерством занятости и сокращения бедности Республики Узбекистан».

Зарегистрирован от 25 июля 2025 г., регистрационный № 3653.

II. Выведено из государственного реестра:

1. Постановление правления Центрального банка Республики Узбекистан от 21 июля 2007 года № 20/3 «Об утверждении Правил ведения кассовых операций кредитными союзами, микрокредитными организациями и ломбардами», (рег. № 1719 от 24 сентября 2007 года), а также изменения и дополнений к нему (рег. № 1719-1 от 14 февраля 2013 года), (рег. № 1719-2 от 9 сентября 2015 года), (рег. № 1719-3 от 6 ноября 2019 года).

Выведено из государственного реестра от 23 июля 2025 года.

Настоящие документы выведены из государственного реестра в связи с внесением изменения в законодательство и/или принятием новых нормативно-правовых актов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ
СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Расмий нашр
Официальное издание*

**Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами / Собрание
законодательства Республики Узбекистан. 30 (1206)-сон, 2025 йил, июль —
192 б.**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й.

Таҳрир ҳайъати:

*Мусаев Акбар Мухидинович
Салиев Фаррух Нуритдинович
Ахмедов Музаффар Муроджанович*

Компьютерда саҳифаловчи:

Қурбонбоев Шерзод Шамуратович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
100060, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.
тел.: (71) 233-38-08, (71) 233-28-18.

Бичими 70x108 1/16.,
Ҳажми 12,0 б.т. Индекс: 949.